



# O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 13-mart. Payshanba • 32 (31.779)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 12 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 10-11 апрель кунлари Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизimini демократлаштириш ва либераллаштиришни, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни, фуқаролик жамиятини шакллантиришни, қонун устуворлигини таъминлашни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини

яқшилашни назарда тутадиган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бошқа қонунлар шул жумласидандир.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қилди. Сенаторлар ялпи мажлисда адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги ишлари мувофиқлаштириш учун тегишли ишчи гуруҳ тuzилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати



## Очиқлик тамайилининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади

### Изланиш ва ташаббус

ҳар кунги фаолиятимизнинг асоси бўлсин

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида мунтазам равишда партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижросида уларнинг муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган семинар-тренинг, давра суҳбати ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Уларда ҳамкор ташкилотлар, депутатлар, партия фаоллари, электорат вакиллари иштирок этапти. Яқинда ана шундай тадбир ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва Жиззах вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди.

⇒ 2

### ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 11 март куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ҳар томонлама моддама-модда муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди ва у Олий Мажлис Сенатига юбориладиган бўлди.

Муҳокама чоғида таъкидландики, мазкур ҳужжат фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни ҳабардор қилиш тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган. Давлат органлари фаолиятининг, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар стратегияси, давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг

шаффофлигини, очиқлигини, сиёсий плюрализмни, мамлакатимизда ва ундан ташқарида рўй бераётган ҳодисалар ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш масалалари назарда тутилган. Шунингдек, мажлисда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилди ва билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида кўриб чиқилишидан аввал мазкур қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз йиғилишида батафсил муҳокама этди.

▶ Давоми 2-бетда.

### ИСТИҚЛОЛ ИМКОНияТЛАРИ

Бундан беш-ўн йил илгари Урганчда бўлган киши бугун бу шаҳарни таний олмаслиги турган гап. Сиз кўрган у тор кўчалар, кўримсиз уй-жойлар, кўнгилга гашлик соладиган манзаралар энди йўқ. Йўллар кенг ва раvon, икки томонда кўркем, замонавий турар-жойлар, маъмурий-маиший бинолар, таълим, тиббиёт, санъат, спорт муассасалари қад ростлаб, кўрган кўзни қувонтириб турибди...

## Урганч — Ойнинг ҳавасини келтираётган шаҳар



Ўйлашингиз мумкин, «Ҳа, энди, Мустақиллик йилларида ҳамма вилоят марказлари ҳам обод бўляпти. Урганч ҳам шуларнинг бирида», деб. Тўғри, Тошкентдан тортиб Нукусгача, Термиздан Бухорогача, бугун Андижон, Фарғона, Наманганда ҳам тарихий ишлар амалга оширилди, шаҳарларимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди.

Аммо Урганчда, Хоразм вилоятида олиб борилаётган бунёдкорликлар кўламини бошқа ҳудудларга қиёслаб бўлмайди. Бу мулоҳаза эмас, бор гап, рост гап. Бунга шубҳа қилсангиз, бўриб, кўринг, икром бўласиз.

▶ Давоми 3-бетда.

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Сиёсий партиялар ва ҳисоб палатасининг ҳисоботлари тингланди

12 март куни депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисининг аввал тасдиқланган кун тартибига киритилган масалаларнинг муҳокамасини давом эттирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқди. Ушбу масала бўйича

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, Ўзбекистон «Миллий тикла-ниш» демократик партия-

си Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси ҳисобот маърузалари билан сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг етакчилари давлатимиз томонидан кўппартиявийлик тизimini ривожлантириш ва мустаҳкамлашга берилган қатъий эътибор туфайли мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг ро-

ли ва таъсири сезиларли даражада кучайганини таъкидладилар. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун бўйича сиёсий партия агар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов яқунларига кўра Қонунчилик палатасида фракция ташкил этиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларига эга бўлган бўлса, ўз устас фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга.

▶ Давоми 2-бетда.

### Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бу борада вакиллик ҳокимияти ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

### НУҚТАИ НАЗАР

— Сиёсий партиялар ўз электорати манфаатини нафақат давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатлари орқали, балки, партиявий тадбирлар, лойиҳалар доирасида ҳам ҳимоя этишга ҳаракат қилмоқда. Демак, бугунги кунда уларнинг савияси, самарадорлигини ошириш, шу орқали одамларнинг партияга ишончини мустаҳкамлаш ҳам муҳим масалалардан бири, деб уйлайман.

Сиёсий партия, энг аввало, ўз электорати билан ишлаши, унинг нафас олишини ҳис этиб туриши керак. Партиявий тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳам электорат билан доимий жонли мулоқот ўрнатиш, муаммоларни ўрганиш, ижтимоий масалаларнинг мониторингини амалга оширишдан иборатдир.

Бунинг учун тадбирлар тизимли ташкил этилиши, аниқ мақсадга йўналтирилиши, натижалари, албатта, таҳлил этиб борилиши талаб этилади. Энг муҳими, партиявий тадбирлар, лойиҳалар ҳаётимизда учрайдиган ижтимоий муаммоларни ўрганиш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Уларда билдириладиган

Меҳроҳ ДАРҲОНОВ, ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари:



фикрларни умумлаштириб, таҳлил этиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз орқали сессиялар муҳокамасига масала киритиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция-миз қонун ижодкорлиги жараёнида тақлиф айтишига асос бўладиган материалларни тайёрлаб боришимиз зарур. Шу орқали ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатиш, партия дастурий мақсадларига эришишда барча даражадаги депутатлик гуруҳлари фаолигини кучайтириш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатяптики, айрим ҳолларда бирор аниқ мақсад кўзланмаган, натижаси номаълум бўлган тадбирларни ўтказишга вақт, куч сарфланмоқда. Аслида, ҳар бир тадбир партиянинг Сайловоди дастурида илгари сурилган гоҳ ҳамда вази-фалардан келиб чиқиб ташкил этилиши, ўзининг маълум мақсадга йўналтирилган концепциясига эга бўлиши керак.

Бугунги кунда ЎЗХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотлари, Жўқорғи Кенгесдаги ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг устувор вазибалари нима-лардан иборат?

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Сайловчилар билан юзма-юз

мулоқотлар ҳар томонлама самарали бўлиши керак



www.uzbekistonovozi.uz

Фракция йиғилишида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда долзарб масалалардан ҳисобланиши таъкидланди.



Санжар ШОТУЛГАНОВ олган суратлар.

Демак, кучли ижтимоий ҳимояга асосланган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳамда самаралари тўғрисида янада аниқ маълумотлар олиш қафолатлари ҳам мустаҳкамланапти. Бу ЎзХДП электорати учун ниҳоятда муҳимдир.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Сиёсий партиялар ва ҳисоб палатасининг ҳисоботлари тингланди

Маърузачилар Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерлик ҳисоботини тақдим этганлигини таъкидладилар. Улар ҳисобот даврида молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши ҳақидаги молиявий ҳужжатларни молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Адлия вазирлигига ўз вақтида топширдилар.

Ушбу масалани муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлатимиз раҳбари томонидан кўйилган вазифаларнинг амалга оширилишида сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлиги муносабати билан уларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлашда парламент назорати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кайд этдилар.

Депутатларнинг фикрича, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий-кадрлар ҳамда бошқа ресурслари уларнинг ўз дастурий мақсадлари ва вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга, шу сабабли улар шаффоф ва қонуний, доимо жамоатчилик назоратида бўлиши муҳимдир. Шунингдек, кўппартиявийлик тизими ривожланиётган, парламентда ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган шароитларда бу масала доимо депутатларнинг диққат-эътиборини талаб қилади.

Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган даврда бюджет маблағларидан жуда оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш лозим. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг Олий Мажлисининг қуёи палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини кўриб чиқди. Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Қ.Акмалов ҳисобот билан сўзга чиқди. Маърузачи Ҳисоб палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил январь ойида бўлиб ўтган 2012 йилда мамлакатимизни

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Очиқлик тамойилининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади

Ҳақида билишга ҳақли. Бундай ахборотларни олиш ва улардан фойдаланиш фуқароларнинг Конституция билан қаролатилган ҳуқуқлари таъминланишида муҳим ўрин тутadi. Конституцияда мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Жўракўзи ҚҮЛДОШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Маълумки, юртимизда кучли ижтимоий сиёсат изчил амалга оширилмоқда. Бандликни таъминлаш, манзилли ижтимоий ҳимоя, пенсия таъминоти, умуман, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламнинг ҳаётий эҳтиёжларини қаролатишга қаратилган изчил чора-тадбирлар кўриляпти. Уларнинг қай даражада самарали бажарилиши мутасадди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятига, масъулиятига бевосита боғлиқ.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида очиқ, ҳаққоний ахборот олиш бўйича меъёрлар белгиланмоқда. Демак, кучли ижтимоий ҳимояга асосланган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳамда самаралари тўғрисида янада аниқ маълумотлар олиш қафолатлари ҳам мустаҳкамланапти. Бу ЎзХДП электорати учун ниҳоятда муҳимдир.

Гулноза ЭРНАЗАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида очиқ, ҳаққоний ахборот олиш бўйича меъёрлар белгиланмоқда. Демак, кучли ижтимоий ҳимояга асосланган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳамда самаралари тўғрисида янада аниқ маълумотлар олиш қафолатлари ҳам мустаҳкамланапти. Бу ЎзХДП электорати учун ниҳоятда муҳимдир.

Дилбар ХОЛИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида очиқ, ҳаққоний ахборот олиш бўйича меъёрлар белгиланмоқда. Демак, кучли ижтимоий ҳимояга асосланган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳамда самаралари тўғрисида янада аниқ маълумотлар олиш қафолатлари ҳам мустаҳкамланапти. Бу ЎзХДП электорати учун ниҳоятда муҳимдир.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН САМАРҚАНД ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ЖАРАЁНИДА ФРАКЦИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИ. ПАРТИЯМИЗ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИЛАН БИРГАЛИКДА 15 ДАН Ортиқ ДАВРА СУҲБАТИ ВА СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Иزلаниш ва ташаббус

ҳар кунги фаолиятимизнинг асоси бўлсин

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳияти ва ундаги асосий йўналишлар бўйича белгиланган вазифалар ижросида сиёсий партияларнинг иштироки тўғрисида таҳлилий фикрларни билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси Ҳафиза Каримова йиғилиш иштирокчилари эътиборини 2014 йилда ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда партия гуруҳларининг иштирокини янада фаролаштириш масалаларига қаратди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ақром Иномов партия гуруҳлари олдига турган устувор вазифалар хусусида фикр юритди. — Партия гуруҳимизда ўз бурчига масъулият билан ёндашиб, изланиб, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган депутатларимиз кўпчилигини ташкил этади, — деди у. — Шу боис ютуқларимиз оз эмас. Мисол учун ўтган йили партия гуруҳимиз томонидан иккита масала халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди. Улардан бири вилоят ҳудудидаги 200 дан ортиқ бўш турган бинодан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масала эди. Биз сессия қарори ижросини изчил назоратга олдик. Бунинг натижасида бўш турган биноларда янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилди, юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.



Демак, электорат манфаатларига дахлдор муаммолар масалаларни дадиллик билан кўтаришни, уни пухта ўрганиб, доимий комиссиялар, сессиялар муҳокамага олиб чиқишни изчил давом эттиришимиз лозим. — Семинар бошланишидан аввал иштирокчилар партия кенгашимиз фаолияти билан танишди, — дейди ЎзХДП Галлоор туман кенгаши раиси Мехри Бобоева. — Бошланғич партия ташкилотлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, Жамоатчилик қабул-хонаси, тарғиботчилар гуруҳи ишини янги босқичга кўтариш

юзасидан тавсиялар берилди. Мазкур семинарда жамиятда сиёсий партиянинг нуфузини ошириш, электорат билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, етакчилар салоҳиятини кўтариш, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари имконият ва ваколатларидан умумий фойдаланиш борасида билдирилган фикрлар менга маъқул бўлди. Келгусида ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратамиз. Тадбир якунида ёшлар билан партия дастурий мақсадлари, вазифалари ҳақида му-

лоқот ўтказилди. Унда ёшлар партия ҳаёти ва фаолиятига доир ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножот қилишди. ЎзХДП сағифа қабул қилинган бир гуруҳ йиғит-қизларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Ана шундай ёшлардан бири, Жиззах политехника институтининг иккинчи босқич талабаси Озод Хушвақтов шундай дейди: — Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг Дастурлари, асосий мақсад-вазифалари билан танишдим. Ҳар бирининг танлаган ғоялари ўзига хос, албатта. Бироқ, мен халқ-

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Пайарик туман бўлими ташаббуси билан шу мавзуда амалий семинар ташкил этилди.

Тадбир хотин-қизларнинг касбий маълумот даражасини ўрганиш ва улар орасидан касаначилик билан шуғулланишга эҳтиёжи, хоҳиши бор хотин-қизларнинг мутахассислигини таҳлил қилиш, уй меҳнатини ташкил этмоқчи бўлган хотин-қизлар фаолиятини расмийлаштириш ҳамда бу борадаги тушунтириш ишларини кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

уларнинг бу борадаги муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш ва ечишни ташкил этишда турли соҳа мутахассисларининг фикрлари муҳимдир.

Семинарда аёллар бандлигини таъминлаш бўйича тумандаги мавжуд имкониятлар таҳлил этилди. Айниқса, маиший хизмат кўрсатиш ва сервисини, касаначиликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хонадон шароитида қорвончилик, паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Партия фаоллари тегишли ташкилотларнинг мутахассислари билан бирга бу соҳаларда янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича яратилган имкониятларни хотин-қизлар орасида чуқур тушунтириб беришлари кўшимча равишда янги иш ўринлари вужудга келишига замин яратиши кўриб кўрилди.

Семинарда иштирокчи аёлларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланди. Уларни ўйлан-тирратган муаммолар муҳокама этилди ва шу асосда муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Ҳафиза АЗИМОВА

Биз сессия қарори ижросини изчил назоратга олдик. Бунинг натижасида бўш турган биноларда янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилди, юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Урганч — Ойнинг ҳавасини келтираётган шаҳар

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

...Ҳозирги замонда ҳар бир шаҳарнинг бош дарвозаси унинг аэропорти ҳисобланади. Узоқ-яқиндан келган меҳмонларда илк таассурот қолдирадиган маскан шу — аэропорт. Хоразмни умрида кўрмаган одам ҳам Урганч халқаро аэропортига самолёт қўниши билан ҳайратланиши аниқ. Бинонинг тапқи қиёфасидан тортиб, ички кўриниши, хизмат кўрсатиш сифати, ён атрофининг ободлиги, ҳамма-ҳаммаси халқаро талаблар даражасида. Четдан келган одам дарров фаҳмлайди, нуфузли, маданиятли, қудратли шаҳарга келганини.

Аэропортдан шаҳарга элтувчи Ал-Хоразмий шох кўчаси кенг, раво, икки томонида янги қурилган замонавий уйлар. Катта йўл шаҳарга яқинлашгани сайин унга бошқа йўллар тутадади. Йўллар шаҳар худудларини бир-бирига боғлайди, одамлар узогини яқин қилади, шаҳар кўрқига кўрк қўшади, шаҳарсозлик маданиятини билдиради. Бугун Урганч кўчаларини айлансангиз, бу ҳақиқатга яна бир бор икор бўласиз. Қурилиши якунланаётган кичик айланма халқа йўл эса эртага шаҳарнинг қумуш белбоғига айланади.

Хоразм мамлакатимизнинг сайёҳлик марказларидан бири эканини ҳисобга олсак, бу йўллар алоҳида аҳамиятга эгаллиги аён бўлади. Жорий йилда жами 81,1 км. дан иборат йўлларда 121650,2 млн. сўмлик қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Урганч шаҳрини ривожлантириш дастурига асосан Республика йўл жамғармаси маблағи ҳисобидан 11 км. дан иборат 10000,0 млн. сўмлик қурилиш ишлари, 48,7 км. масофадаги 91310,0 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Туризмни ривожлантириш дастури асосида ички ҳўжалик йўлларидан маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 9,9 км. қурилиш ишлари бажарилади. Бунага 5704,6 млн. сўм маблағ сарфланади. Яна бошқа қатор ички йўллар, майдонлар, йўлаклар қурилади.

Бу бекёёс бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари замирида Президентимизнинг Хоразм аҳли-

**Раимберган Сабуров.** — Биргина мисол. 2012 йил сентябрь ойида «Ўзтөкс Шовот» қўшма корхонаси ишга тушган, қисқа вақтда республикамиздаги йирик ишлаб чиқариш қувватларидан бирига айланди. 2013 йилда 26,5 миллиард сўмдан зиёд ип-калава ишлаб чиқарилди, унинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда корхонанинг бунёд этилаётган иккинчи навбати фойдаланишга топширилса, ҳозирги 5 минг тонна ўрнига 15 минг тонна ип-калава ишлаб чиқарилади. Энг асосийси, ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун 800 иш ўрни яратилади.

Ҳар қандай шаҳарни шаҳар қиладиган, унинг қиёфасини белгилайдиган асосий омил — бу бинокорлик салоҳиятидир. Урганч шаҳрининг бош режасига қура, қад ростлаган ва ростлаётган бинолар замонавийлиги ва мейморчиликнинг миллий аъналарини ўзида акс эттиргани билан ҳам эътиборингизни тортади. Ал-Хоразмий кўчасида ўз чиройини кўз-кўз қилиб тизилиб турган 12 та тўрт қаватли уйни қуриб, баҳри-дилингиз очилади. Ҳар бири 32 хонадонли бу уйларнинг биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари жойлашган. Тўртта уч қаватли савдо ва маиший хизмат объекти қад ростлаган. Йўл-йўлакай Тошкент ахборот технологиялари университетидаги Урганч филиали, унинг 160 ўринли талабалар турар-жойи, ёш мутахассислар учун 32 ўринли меҳмонхона, 28 та уч қаватли бири-би-

қайта реконструкция қилинган «Ёшлар кўли» ҳам жаннатмонанд жойга айланди. — Бу ажойиб кўл Урганч шаҳрининг бош режасини ҳаётга таъбиқ этиш Дастури асосида бунёд этилди, — дейди ҲХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Хоразм вилоят бўлими етакчиси Камол Жуманов. — Биз ёшлар бу ғамхўрликдан беҳад хурсандимиз. Кўлнинг тантанали очилиш маросимида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» фестивали бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган ёшлар иштирок этди. Фестивалнинг бундай номлини ёшларнинг ўз она-Ватанидан фахрланиш туйғусининг ёрқин ифодаси бўлди. Республикаимизнинг турли худудларидан келган тенгдошларимиз бугунги Урганчни кўриб ҳайратланишди.

Урганччи айланиб, томоша қилиб, Темир йўл вокзали худудига ўтсангиз хайратингиз янада ошади. Вокзал капитал реконструкция қилиниб, ўзга қиёфага эга бўлган. Янги перрон, ёзи повилион барпо этилган, вокзал олдидаги майдон ободонлаштирилиб, кўркам хиёбон яратилган, автомобильлар бекати ва фаввора қурилишида сўнгги ишлар амалга оширилмоқда.

Вокзал атрофини кўздан кечирсангиз, улкан қурилиш майдонларига дуч келасиз. Бугун энг қамқор катта бунёдкорлик шу худудда кетаяпти. Юзлаб эски уйлар, савдо, маиший хизмат бинолари ва бошқа тартибсиз қурилган бинолар ўрнида пухта ўйланган лойиҳа асосида янги «Ёшлик» массиви қад ростламоқда. Бу худудда икки қаватли 140 га яқин турар-жой биноси, спортнинг 22 тури билан шуғулланиш имконини берадиган маҳаббатли спорт мажмуаси, туризм коллежи, мусиқа мактаби қурилмоқда.

Хоразм вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати раҳбари Шухрат Матқаримовнинг айтишича, бугунги ўзгаришлар фақат қурилишлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Яқин йиллар ичида вилоятда санаят, қишлоқ ҳўжалиги ва сайёҳлик соҳасини тараққий эттиришга қаратилган Дастурлар асосида 2200 дан зиёд, умумий қиймати 3 триллион сўмга тенг лойиҳа амалга оширилади. Надиҳада вилоятда барча соҳаларда кескин ўзгариш ва кўтарилиш юз беради. Хоразмда ким билан сўхбатлашманг, бу ишлар, ўзгариш ва янгиланишлар мустақиллигимиз шарофати, Хоразм вилоятга кўрсатилаётган алоҳида эътибор эканини таъкидлайди.

**Дарҳақиқат, мустақил бўлмаганимизда халқимиз учун бундай уйлар, йўллар қуришга ким рухсат беради? Бундай муносиб турмушни бизгараво кўришармиди? Биргина «Ёшлар кўлини» олайлик, бундай қурилишга, бунча маблағ сарфлашга ким изн беради? Бундай лойиҳани амалга ошириш нари турсин, бу ҳақда ҳатто гапирган одамнинг бошига маломатлар ёғилмасмиди? Шулар ҳақида ўйлаганимиз сайин Мустақилликнинг қадрини юрак-юрақдан ҳис қила бошлайсан киши.**

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш керак бўлади. Президентимиз Хоразмнинг оғир табиий шароитида меҳнат қилиб, шу юртини обод этиб, шу юртини улуғлаб яшаётган халқ

шаънига ҳар доим самимий истақ ва тилақлар билдириб келади. Юртбошимиз хоразмликлар билан бўлган учрашувлардан бирида шундай деган эди: «...Мен давлат раҳбари сифатида, халқнинг тақдирига биринчи галда жавобгар шахс сифатида шу эл-юртнинг ғам-ташвишларини чуқур англаган ҳолда, қандай қилиб уларнинг ҳаётини яхшиласам, оғирини енгил қилсам, деган бир савол доим мени кийнади.

**Йил бўйи бир дам тиним билмайдиган, захматқаш, фидойи бу инсонларга муносиб турмуш шароити туғдириб бериш, уларни рози қилиш масаласини доимо юрагимга яқин олиб юраман.**

Шу кунгача Хоразм вилоятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида амалга оширилган ишлар, бугунги кенг кўламли бунёдкорликлар орзу ниятлар ижобат бўлаётганини кўрсатади.

Янги дастурлар амалга ошса, Хоразмнинг қиёфаси мутлақо ўзгаради, Урганч ёшаргандан ёшаради, Хиванинг бир чиройига ўн чирой қўшилади, Ичон-қалъанинг атрофида йиллар давомида режасиз қурилган кўримсиз уйлар, турли бинолар олиб ташланади. Улар ўрни ободонлаштирилади, кўламлилаштирилади. Қўнча қалъа кўксига шамол тегиб, асл чиройи очилади.

**Бу буюк ўзгариш ва янгиланишлардан қувонишимиз, гурулишимиз табиий ҳол. Аммо бу ишлар нима мақсадда, ким учун қилинаётганини тўғрисида ҳам чуқурроқ ўйлаб кўришимиз керак, албатта.**

Бу уй-жойлар, қишлоқ шаҳарлар, йўллару кўприклар, санаят корхоналари, санаят ва спорт қошоналари, тиббиёт масканлари бирова кўз-кўз қилиш учун қурилаётгани йўқ. Аввало, халқимизнинг иззатини шойига қўйиш, шаъни ва қадрини улуғлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсондай яшаши учун шароит яратиш бериш учун қилинапти бу ишлар. Энг муҳими, обод бўлаётган бу қишлоғу шаҳарларда ҳеч кимдан кам бўлмаган келажак авлод яшаб воёга етати.

Бу ишлар, бунёдкорликлар юртим обод бўлсин, гуллаб-яшнасин, халқим ҳеч кимдан кам бўлмасин, деган улуғ ниятлар билан қилинмоқда. Кўнгили кенг қилиб, холис туриб, янада чуқурроқ ўйлаб кўриلسа, бу тарихий ишларнинг замирида, аввало, Мустақиллик берган бебаҳо имконият, халққа бўлган чин меҳр-муҳаббат, ҳурмат ётибди. Буни одамлар англаётгани, қадрлаётгани бебаҳо ютуғимиздир.

...Тун. «Хоразм палас» меҳмонхонасининг учинчи қаватидан атрофга қарайман. Шаҳар ранг-баранг чироқлар оғушига чулганги ётибди. Сукунат. Осмонга қарайман, оппоқ, ойдин тўлинолу хайрон бўлиб, шаҳар узра термулиб турибди, энтикиб тикилиб турибди.

Урганчда бугун бўлаётган ишлар кўлами, суръати, гўзалдан-гўзал биноларнинг хусни-таровати ойнанинг ҳам ҳавасини келтираётганга ўхшайди...

**Сафар ОСТОНОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



## Шаҳарлар экологияси талабга жавоб бермади



**Хитой Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан шаҳарлар экологияси бўйича ўтказилган тест натижалари ачинарли хулосалар берди: 74 та шаҳардан 71 тасида ҳаво тозаллиги экологик стандартларга жавоб бермаслиги маълум бўлди, дея хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.**

Маълумки, жорий йил март ойи бошларида мамлакат бош вазири Ли Кэцян атроф-муҳит мусофоллигини таъминлаш бугунги энг долзарб масалалардан бири эканини алоҳида ўқирганди. Унинг айтишича, санаят корхоналари томонидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли газлар микдори белгиланган меъёрлардан ортиб кетмоқда. Бу эса аҳоли норозилигига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, мазкур заводлар қишлоқ ҳўжалиги ерларига ҳам жиддий зарар етказмоқда.

Шу боис, Пекин маъмурияти бир неча ўн йиллардан буён фаолият кўрсатаётган ва технологияси эскириб қолган санаят корхоналари, электр станцияларини тўлиқ модернизациялаш ёки шаҳардан четга кўчириш масаласини кун тартибига қўйди. Янги санаят корхоналари эса аҳоли яшаш пунктларидан анча узоқда қуриладиган бўлди.

## Нафақат ўпкани зарарлайди

ҳатто соч ва суякка ҳам акс таъсир қилади



**Барчамизга маълумки, сигарет чекиш ўпка, саратон, юрак хасталиқларини келтириб чиқаради, ҳатто пуштсизликнинг юзга келишига ҳам сабабчи бўлиши мумкинлиги олимлар томонидан исботланган.**

Эндликда олимлар сигаретнинг сочга ҳам акс таъсирини аниқладилар. Яъни кўп чекиш соч толаси ингичкалашини юзга келтираркан.

Аниқроғи, «The Times of India» газетаси тарқатган ахборотга қараганда, бу зарарли одат организмда цинк, каротин, магний, кальций моддаларини ҳамда «В» ва «С» витаминлари етишмаслигини, соч фолликуларида ДНК тизими бузилишини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, қоннинг оёққа меъёрда етиб келишига тўсқинлик қилади. Шу боисдан ҳам чекувчиларда оёқ жароҳати чекмайдиганларга қараганда анча кеч битади.

Олимлар яна шуни қўшимча қилишмоқдаки, сезиш қобилиятига эга асаб толалари чекиш оқибатида зарарланади. Бу эса ҳид ва таъм билиш хусусиятига акс таъсир қилади.

Суяклар синишининг осонлашуви ҳам айнан чекиш билан боғлиқдир. У суяклар ҳўжаларини қурилишига жавобгар моддалар фаоллигини сустайтиради. Натижада қариш жараёни тезлашади. Териларнинг эластик хусусияти камая боради ва бу ажинлар қурилишига олиб келади. Тамаки тутунидаги 4 мингдан ортққ бирикманнинг кўзга ҳам салбий таъсирини айтиб ўтиш лозим.

## Вера ПАК,

Хива шаҳридаги 20-сон меҳрибонлик уйи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ҲХДП гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони:



— Сўнгги йилларда Хоразм вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик, инсонлар учун яратилаётган шароитлар одамнинг ақлини шоширади. Нафақат Урганч ёки Қадимий Хива шаҳрида, вилоятнинг ҳар бир туманида ҳам жуда катта ишлар қилиняпти. Бундай катта янгиланишлар фуқароларнинг онгига, ҳаётга бўлган муносабатига ҳам ўз аксини тошмоқда. Буна ҳар биримиз оиламиз, яқинларимиз тақдирини мисолида ҳам кўриб, билиб туришимиз. Урганч ёки Хивадаги ўзгаришларни кўзга тутиб, бир кунда бир маҳаллада бўлаётган янгиланишларнинг ўзини санайман десангиз, адашиб кетасиз. Кимдир янги уйга кўчиб ўтганга, кимдир машина сотиб оляпти, кимдир кичик корхона очган, кимдир фарзанди халқаро спорт мусобақасида чемпион бўлган, яна кимдир тўй бошлаган. Қайсидаир оилادا эса соғлом фарзанд дунёга келган...

Буларнинг бари, энг аввало, Мустақиллик шарофати, тинчлик-осойишталик тўғрисида.

га бўлган чексиз меҳри, эътибори ва ғамхўрлиги муҳассама. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган тарихий қарорлар қабул қилинди. Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, санаят салоҳияти, туризмни тараққий эттириш ҳамда Тошсоқа тизимидаги каналлар ишини яхшилашга қаратилган тўртта давлат дастури қабул қилинди.

Вилоятнинг санаят салоҳиятини юксалтириш мақсадида 250 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, улар ижросига 462 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфланади. Бунинг натижасида 9 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади, юзга яқин янги санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, вилоятнинг турли шаҳар ва туманларида замонавий экскаватор, прицеп, маиший техника, телевизор ва монитор, велосипед, савдо корхоналари учун совутичлар, юкори босимга чидамли металл ва полимер қувурлар ишлаб чиқариш каби лойиҳалар амалга оширилади.

— Давлат Дастурида белгиланган бу вазифалар амалга ошган, минглаб янги иш ўринлари яратилади, — дейди ҲХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари

► Давоми. Боши 1-бетда.

МАҲСУЛОТ ҲИММИНИКИ — ҲИММИНИКИ!

Фаргона шаҳрида бўлиб ўтган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар минтақавий кўргазмаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб бораётгани курилиш материаллари, жумладан, лак-бўёққа эҳтиёжни тобора оширмакда. Бу соҳада ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг қуввати етарли даражада дейиш мумкин. Аммо хомашё турларидан бўлмиш секкатив, антистат, пластификатор ҳамон чет элдан импорт қилинади. Унинг таъминоти борасида оз бўлса-да узиллиш бир қатор корхоналар қувватига салбий таъсир кўрсатади. Фаргона политехника институти олимлари муаммони ўрганиб, муқобил хомашё яратиш сўрада изланишлар олиб бораётган эди. Нихоят, янги турдаги янги авлод лак-бўёқ маҳсулотларининг комплекс хомашёси тақлиф этилди.

— Уни «пластирас» деб атадик, у ҳозиргача четдан импорт қилинаётган 4 хил эри тувчи хомашё ўрнини босади, — дейди институт «Озик-овкат технологияси» кафедраси мудири, доцент Абдулазиз Номозов. —

Қолаверса, пластирас кўшиб ишлаб чиқарилган лак-бўёқ маҳсулотининг кўш реакцияси ва континентал климга чидамлили даражаси юқори. Сифат жиҳатдан афзалликка эга янги маҳсулотнинг таннархи арзон. У Фаргона нефтни қайта ишлаш заводидан олинган керосин асосида яратилган.

Яқинда Фаргона шаҳрида бўлиб ўтган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар минтақавий кўргазмасида тақдироти ўтказилган бу ишланма ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Биз лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фарғоналик олимлар тақлиф қилган импорт ўрнини босувчи янги кўшилмани амалда синиб кўряпмиз, — дейди «Фар Антикорт инвест» хусусий корхонаси раҳбари Баҳодир Юнусов. — Натижа кўтилганидан ҳам яхши. Бўёқ сифати жиҳатидан стандартнинг барча талабларига жавоб беради. Энди биз бу лойиҳани молиялаштиришда иштирок

# Янги «какао» ёки кўёш энергияси сигир «соғади»



М.Қодиров олган сурат.

Отаҳонов. — Дастлабки техник-иқтисодий ҳисобларга кўра, яратилган технология бўйича 1 тонна маҳсулотнинг нархи 70 АҚШ долларидан

ошмайди. Яратилган технология умумий овқатланish корхоналарида апробациядан ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таъми-

этиб, пластирас ишлаб чиқаришда улшдор бўлмоқчимиз. Фарғонадаги кўргазма залларида республикамизнинг 55 та олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот институтлари олимларининг 200 дан ортиқ лойиҳаси билан танишиш имконияти мавжуд. Улар халқ ҳўжалигининг қарийб барча соҳаларини қамраб олган. Масалан, Наманган муҳандислик педагогика институтидан Шухратхон Отаҳонов бошчилигидаги олимлар маҳаллий хомашёлар асосида асил какаога ўхшаш маҳсулот олиш технологиясини тақлиф этмоқда.

— Янги какао ўрнини босувчи маҳсулотдан шоколад, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиш уларнинг сифатига таъсир этмаган ҳолда маҳсулот таннархини камайтиради, биологик қийматини оширади, органолептик хусусиятларини яхшилаш имконини беради ҳамда маҳсулотни харидоригир қилади, — дейди Шухратхон

ни тотиб кўриш комиссиялари синовидан ўтиб, ишлаб чиқаришда ижобий натижалар олинган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-технология институти тадқиқотчилари «Кўёш нуридан электр энергияси ҳосил қилиб, 80 та сигирни автоматик соғиш», Андижон қишлоқ ҳўжалиги институти олимлари «Паррандаларнинг тухум маҳсулдорлигини ошириш», Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалидан доцент Фазлиддин Полновов эса «Маҳалланинг автоматлаштирилган тизими» каби қизиқарли, айни чоғда иқтисодий самарадор инновацион ғояларни кўргазмага қўйди. Унда иштирок этган Фарғона вилояти саноат корхоналари, тадбиркорлар ва лойиҳа муаллифлари ўртасида дастлабки куниеқ қиймати 100 миллион сўмдан ортиқ 20 га яқин шартнома имзоланди.

Муҳаммадхон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## ХАЛҚ БАНКИ

РЕКЛАМА ҲРНИДА

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу жараёнда банк-молия тизими томонидан қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг қўламли чоралар кўриляётгани ўз натижаларини берапти.

## Молиявий мадад — муваффақиятлар омили, дейишмоқда банк мижозлари

Гулбахор ЖУМАНЯЗОВА,

«Дилфуза Сервис» хусусий фирмаси раҳбари (Урганч шаҳри):

— Халқимиз нонни азиз неъмат сифатида қадрлайди. Дастурхонга, аввало, нон тортилади. Уни пишириш хотин-қизларимиз зиммасидаги вазифалардан биридир. Кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган бу юмушни энгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда нон ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мен ҳам шу йўналишда ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйиш мақсадида «Халқ банки»нинг Урганч шаҳар филиалига бизнес-лойиҳамни тақдим этиб, 200 миллион сўм кредит олдим. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада кунига кўплаб турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Олинган кредит натижасида 8 нафар ёш ишли бўлди.



Мукаррам ҲИКМАТОВА,

«Ҳикматова Мукаррам» хусусий корхонаси раҳбари (Қарши тумани):

— Ёшлигимдан тиқиш-бичиш ишлари билан машғул бўлганман. Ҳунаримни бошқаларга ўргатиш, ўз ишимни йўлга қўйиш мақсадида «Халқ банки»нинг Қарши тумани филиалига лойиҳамни тақдим этиб, 240 миллион сўм кредит ма-

лағини олдим. Молиявий ёрдам туфайли каштачилик ва тўй либослари салонини очдим. Ҳозирда бу ерда 20 нафар маҳаллий аёл меҳнат қилмоқда. Маҳсулотларимиз анча харидоригир. Чунки улар айнан ми-

жозларимиз талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқарилмоқда. Банкларнинг кредитидан самарали фойдаланиш юксалишга олиб келаркан. Зеро, халқимизда интиланганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган.

Мафтуна ИСЛОМОВА,

«Исломова Мафтуна» яқка тартибдаги тадбиркор (Навоий шаҳри):

— Мен тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ўз лойиҳамни молиялаштириш учун «Халқ банки»нинг Навоий шаҳар филиалига мурожаат қилдим. Банкнинг 3 миллион сўмлик кредити эвазига тикувчилик цехини ташкил этиб, қўлида хунари бор 5 нафар аёлни иш билан таъминлашга эришдим.

Фаолиятимни янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйганман.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшларлик севган касбини эгаллашларига кенг йўл очиб бермоқда. «Халқ банки» томонидан олиб бориляётган ишлар таҳлилида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Банк фаолиятида ёшларни, айниқса, қасб-хунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил

ҳаётга дадил кириб боришига кўмаклашиш устувор аҳамият касб этмоқда. Натижада жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиршига хизмат қилляпти. Энг муҳими, бу ёшлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқда.

«Халқ банки» Ахборот хизмати

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

Ўзбекистон аҳолисини баҳор айёми билан муборакбод этиб, хорижий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади:

### АҚШ долларларида «Тезкор»

- ♦ Сақлаш муддати — 1 ой.
- ♦ Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- ♦ Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг хорижий валютада тўланади.
- ♦ Омонатга маблағлар қабул қилиш 2014 йил 1 майга қадар амалга оширилади.

### АҚШ долларларида «Матлуб»

- ♦ Сақлаш муддати — 2 ой.
- ♦ Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- ♦ Ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, бўнак сифатида Марказий банкнинг операция амалга оширилган кундаги курси бўйича миллий валютада ёки омонат муддати тугагандан сўнг хорижий валютада тўланади.
- ♦ Омонатга маблағлар қабул қилиш 2014 йил 31 майга қадар амалга оширилади.

### ЕВРОда «Ором»

- ♦ Сақлаш муддати — 3 ой.
- ♦ Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- ♦ Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг капитализация қилинмаган ҳолда хорижий валютада тўланади.
- ♦ Омонатга маблағлар қабул қилиш 2014 йил 1 июлга қадар амалга оширилади.

## Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

WWW.NBU.COM

Хизматлар лицензияланган.

## КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ОО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ:

14 апреля 2014 года в 12.00 по адресу: город Нукус, улица Амир Темура, дом 122, проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

1. Автомашина марки «Газ-5327», 1986 года выпуска, гос. номер 23 AF 969, принадлежащая банкрот АО «ХАТП-15». Начальная цена — 327 000 сумов.
2. Автомашина марки «Газ-53-1401», 1991 года выпуска, гос. номер 33-24 КПН, принадлежащая банкрот ОАО «Автожолмехбаза». Начальная цена — 308 000 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать

в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ОО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, улица А. Темура, дом 122. Телефон для справок: (8-361) 222-55-84. Уд №006388

## ЎЗХДП бош мақсади: ижтимоий ҳимоя

## Оилавий тадбиркорлик — турмуш фаровонлиги

Нарпай туманининг Пускарон қишлоғида яшовчи Раҳматиллаевлар оиласи дастлаб 2 бош соғин сигир сотиб олиб, иш бошлаган эди. Бугун ушбу хонадонда 20 бош қорамол, 25 бош новвос, 32 бош бузоқ ҳамда 300 та товуқ парваришланмоқда.

Байрамларда маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ногиронларга бепул гушт, тухум тарқатилляпти.

— Турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг қўллаб-қувватлаши билан чорваимиз аста-секинлик билан кенгай борди, — дейди Мусаллам Раҳматиллаева. — Ўн нафар фарзандимиз бор. Уларнинг барчаси меҳнатсевар бўлиб вояга етмоқда. Бир кунда 300 литр сутни тумани-миздаги 10 дан ортиқ мактабгача таълим-тарбия муассасаларига етказиб бераймиз. Меҳнатга яраша даромадимиз ҳам яхши. Уртача бир ойда 6 миллион сўмдан зиёд даромад қиламиз.

— Туманда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони 20 дан ортиқ. Уларнинг 10 тасига паррандачилик билан шуғулланишлари учун банкдан кредит олишга кўмаклашдик, — дейди ЎЗХДП Нарпай туман кенгаши раиси Иброҳим Исоқов. — Партия фаоллари, депутатлар билан бирга қишлоқда оилавий тадбиркорлик фаолиятини тарғиб этиш, уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилляпмиз.

Абдували ХУДОЁЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Спорт

## Тоғ чанғиси бўйича

Осиё чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 8 медални қўлга киритди. Бу ҳақда Миллий Олимпия қўмитасининг расмий сайти хабар тарқатди.

Эроннинг Дизин шаҳрида тоғ чанғиси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 олтин, 2 кумуш ва 5 бронза медалга сазовор бўлди.

Терма жамоамиз аъзоси Артём Воронов слалом бўйича бўлиб ўтган мусобақада олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, у 2 кумуш ва 1 бронза медалга ҳам сазовор бўлди.

Терма жамоамиз етакчиларидан яна бири Светлана Баранова бир йўла турт йўналишнинг (слалом, слалом-гигант, супер-гигант, супер-комбинация) барчасида бронза медалларини қўлга киритди.

Шоҳоб САИДОВ, ЎЗМУ талабаси.

## ОБ-ҲАВО 13-14 — 03. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

0 / +5 +7 / +12

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+3 / +8 +15 / +20

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+3 / +8 +15 / +20

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+5 / +10 +18 / +23

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+1 / +6 +13 / +18

Тошкент шаҳри

+4 / +6 +18 / +20

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +19 / +21

Париж +20 / +20

Москва +8 / +10

Мадрид +17 / +19

Пекин +15 / +20

Канберра +26 / +27

Токио +13 / +10

Гавана +25 / +36

Вашингтон +13 / +12

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TAHIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 360  
22072  
nuxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 21.15  
Topshirilgan vaqti — 02.30

Sotuvda keshilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5